

XX асрнинг сўнги чораги “муслмон дунёсининг уйғониши” деб ҳисобланишига барча асослар бор. Бунгача бирмунча вақт давомида устуворлик қилган миллий ва энг аввало араб социализм мафкураси деярли таназзулга юз тутди. Бирок узок вақт давом этган тарихий сукунатдан сўнг ислом сиёсий тафаккури Суданда, Эронда ва қисман Покистонда ўзини намоён эта бошлади. Мазкур жараёнларга параллел равишда фаровон Саудия қироллиги сезиларли даражада кучайиб, хатто ўз ҳудудларидан минглаб чақиримлар нарида ҳам ўз манфаатларини баралла овоз билан билдира бошлади. Ар-Риёд ўзининг ўта анъанадор гоёларини тарқатишни қўллашга қаратилган мафкуравий платформасини оммавийлаштириб, фойдалана бошлади. Бирок бу каби сиёсат Ислоннинг энг асосий қадамжоси - муқаддас Каъба ёнида содир бўлган дахшатли фожиага айланиб, Саудлар хонадонининг шон-шарафини кўтаришга қаратилган режаларига қарата қаттиқ зарба берди.

Масжидул-харомнинг босиб олиниши ва уни француз махсус кучлари тарафидан озод қилиниши

1979 йил 20 ноябр куни Ислон оламининг муқаддас марказида дунёни хайратга солган ходиса бўлиб ўтди. Ўша куни – XV хижрий асрнинг биринчи куни – Жухайман Утайбий бошчилигида бир неча юз экстремистлар Масжидул-харомга бостириб кириб, уни босиб олдилар. Масжидни озод қилишга бўлган уринишлар икки ҳафтача давом этди. Шу вақт ичида саудияликлар масжидни назоратларига олиш бўйича ўз кучлари билан бир-икки муваффақиятсиз ҳужум қилиб ҳам кўрдилар. Сўнг саудияликлар ташқаридан ёрдам бўлмаса, ўзлари бу ишни уddaлай олмаслигига амин бўлишди.

Одатга кўра, Ар-Риёд энг аввало ўз диндошларига мурожаат қилишлари керак эди, масалан, покистонлик ёки урдунликларга. Чунки уларнинг мамлакатлари ўзига яраша қамчиликларига қарамай, керакли харбий бўлинмаларга эга эдилар. Харқалай, харам ҳудудига кириши ман қилинган европалик ва америкаликлардан фарқли равишда улар муслмонлардан эди. Шунинг учун ҳам муслмон мамлакатларининг махсус харбий кучлари ҳеч қандай муаммоларсиз радикалларнинг исёнини бостириши мумкин эди. Бирок Саудлар урдунликлар “Ислоннинг муқаддас ерлари халосқори” сифатида Ислон оламида Ар-Риёдга жиддий рақиб бўлиб кетишини яхши тушунишган. Шунинг учун ҳам ҳукумат нигоҳи бошқа тарафга, яъни Гарб тарафига қараб боқди, чунки улар Ислон оламида Саудия мақомига раҳна солиши мумкин эмас эди.

Саудия Арабистонининг Гарбдаги энг яқин иттифокчиларидан бири АКШ эди, бирок улар яқинда шох режимининг йиқилиши билан Эронда қовун тушириб қўйишган эди. Ўша вақт яъни, 1970 йилларда Франция Саудия Арабистонига қурол-аслаҳа етказиб бериш бўйича асосий шерикларига айланган эди. Бунинг устига уларнинг харбий мутахассислари Саудия армиясининг махсус кучларига сабоқ бериб, уларнинг харбий маҳоратларини оширишда жуда фаол эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, саудияликлар айнан уларни танлаб олишди ва 4 декабр куни Франциянинг махсус харбий бўлинмалари

Масжидул-харом устидан Ар-Риёд назоратини ўрнатишга муваффақ бўлишди. Канча зиёратчилар халок бўлгани хакида халигача бирон бир аниқ маълумот йўқ. Одамларнинг гап-сўзига сўзига караганда, 4000 га яқин одам курбон бўлган экан.

Экстремистлар устидан махкама ва уларга ўқилган ҳукм тез бўлиб ўтди. Олтмишдан ошиқ террорчилар катл қилинди, бошқаларига эса узок муддатли камок жазоси берилди. Орадан оз вақт ўтиб, Саудия Арабистонида Жухайманий гуруҳи деярли тўлиқ йўқ қилинди.

Бўлиб ўтган воқеаларга мусулмонларнинг муносабати

Маккадаги воқеаларга умматнинг муносабати ўта кескин тарзда бўлди. Лекин ўша пайтда алоқа технологиялари хали анча заифлиги ва Ар-Риёд хақиқий аҳволни беркитганлиги боис мусулмонларнинг газаби асосан АКШга қаратилди. Гап шунда эдики, ҳужум бошланган кун бутун дунё бўйлаб "Америкаликлар Исломининг муқаддас ерларини эгаллабди", деган миш-мишлар тарқалиб кетди.

Покистонда бу АКШ элчихонаси намойишчилар томонидан ишғол қилинишига олиб келди. Бошқа давлатларда ҳам шу қаби тартибсизликлар тўлкини юз берди. Бангладеш, Туркия, Ливия, Хиндистон қаби мамлакатларда вазият беқарорлашиб, АКШ банкларининг жойлардаги бўлимлари, элчихона ва консулхоналари, ахборот агентликлари идоралари, маданий марказлари ҳужумга тутилди.

Ўша вақтнинг ўзида, Маккада бўлаётган воқеалар асосидаги турли миш-мишлар таъсирида Саудия Арабистонининг асосан шиалар истикомат қиладиган шарқий вилоятларида норозиликлар бошланди. Масжидул-харомнинг босиб олинишини яшириб бўлмасди, чунки бўлиб ўтган воқеалар хақиқатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди.

Саудия Арабистонининг сиёсатда узокни кўра билмаслиги

Утайбий Турли гуруҳларнинг диний қайфиятдаги кўзголонлари "Масжидул-Харом"ни эгаллаб олишга бўлган интилишнинг олдини ололмаслигини билдириб қўйди. Улар узок йиллар давомида панарабизм, социалистлар ёки шиалар томонидан бўладиган таҳдидни кутиб яшашди. Саудияликларнинг ўзи ҳам, АКШ томони ҳам бу ишларнинг барига Эронни айбдор ҳисоблашарди. Ар-Риёд мобода шунга ўхшаш ҳолат кузатилса ҳар қандай тажовузкор хатти-ҳаракатни ўз кучимиз билан бостира оламиз, деган фикрда эди. Бирок вазият шундай тус олдики, ўта анъанадор бадавийлар Жухайман бошчилигида кўзголон кўтарди. Энг кизиги, айнан Жухайман кўл остидагилар ана шундай кўзголонларни бостирувчи махсус бўлинма эди. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, Жухайман Саудия Арабистони миллий гвардиясида деярли 20 йилдан буён хизмат қилиб келаётган эди. Бундай парадоксга (соғлом ақлга зид нарсага) олиб келган асосий сабабларнинг бири,

Саудия Арабистони режимининг анъанадор кучларга таяниш кераклигига ўта кучли ишончи эди. Айнан шу нарсани энг яхши ижтимоий назорат воситаси сифатида кўришаётган эди. Мамлакат учун хавфли деб кўрилган социалистлар ва уларга якин гурухлар, уларнинг бир катор исёнлари, уларга карши курашиш учун давлат бюджетидан катта миқдорда пул ажратилиши бутун мамлакат бўйлаб консерватив кучлар ва уларга тобе бўлган ташкилотларнинг таъсир кўлами ошишига олиб келди. Ўшанда, Ар-Риёд бошлаб юборган таргибот-ташвиқотдан кўзланган асосий максадлардан бири Саудлар сулоласи ва уларнинг мамлакатларини мустахкамлашга қаратилган эди. Бундай сиёсат, охир-окибатда махаллий радикал оқимларнинг ривожланишига яхши мухит бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик булардан ўта анъанадор гурухлар оқиб чиқа бошлади.

Кайд этиш керакки, Утайбий ва Масжидул-харомга босқинчилик қилган яна бир муҳим шахс бўлган Кахтоний кейинчалик Саудия Арабистонининг бош муфтийси бўлган Абдулазиз бин Бознинг шогирдларидан бўлган. Утайбий маълум бир вақт давлатга тегишли университетларнинг бирида дарс ҳам беришга улгурган эди. Шунинг учун ҳам Макка воқеалари, шубҳасиз, барча кучини сўнгиларга қаратган режимга катта зарба берди, яъни душман режим ўзига таянч деб билган мухитдан чиқиши асло қутилмаган воқеа бўлди.

Масжидул-харомни кўлга олган гурух 60-йилларда Мадинада пайдо бўлган "Жамоат ас-Салафийя ал-Мухтасиба" (ЖСМ) радикал фракциясининг бир бўлаги ҳисобланади. ЖСМ ва унинг радикал тарафдорлари бўлган "Жухайман биродарлиги" Саудияда биринчи ультраконсервативлар ҳисобланади. Бу гурухлар Жухайманнинг сакланиб қолишига асосий роль ўйнашди ва улар ҳозирги кунда Саудия сиёсатида асосий куч ҳисобланади.

Консерватив изоляционизм мафқураси

Ультраконсервативлар оқими ўзларини дунёқарашлари, хошиш-истакларига эга. Булар: а) четдан қирувчи ташки диний маросимлар ва урф-одатларга каттик қаршилик кўрсатиш; б) ҳар қандай диний маросимлардан четда туриш; в) очикдан-очик сиёсатга қаршилик, давлатга ва унинг институтларига қўшилмаслик; г) бошқача фикрга эга бўлганларни ёқтирмаслик, жанжалгача бориш ёки нафакат фикр юритиш балки фикрларни ўзгача талқин этишга ҳам қаршилик кўрсатиш. Масалан, Жухайман тарафдорларининг умумий фикрича Ислом дунёсидаги оқимлар ва мактаблар ҳамда Саудия Арабистонининг асосий диний йўналиши ҳам тозаланишга мухтож ва йўлдан озган адашганлардир. Яна улар давлатчилик тузумини йўқ қилиш, деган фикрда бўлиб, буни Саудия паспортларини йиртиб ташлаш ва шунга ўхшаш ҳаракатлари билан намойиш этишди. Уларнинг ёпик тушунчалари ва фикрлари бошқа оқимлардан яққол ажралиб туради. Саудиянинг "Ас Сахва" ("Уйғониш") муҳолифат форумларида ультраконсервативларга якин бўлган гурух "Ал Коида" экстремистик гуруҳи ҳисобланади. Аммо уларни бир хил деб бўлмасамиз ҳам, айрим фикрлари бир-бирига мос келади. Шулардан бири улар сиёсий рақобат ёки сиёсий қараш, деган тушунчаларни рад этади. Ва қимқи уларнинг дунёқараши ва фикрларига қарши бўлса ёки адашганлар ёки

дин душманлари ва хокозалар хисобланишади. Хар бири бу айблов рўйхатини жуда узун давом эттириши мумкин. "Жамоат ас-Салафийя ал-Мухтасиба" жамоаси ўз раҳбарига ёки ижро органига эга бўлмаган гуруҳ бўлиб, бу ердаги қарорларни беш ёки олти кишидан иборат маслаҳат кенгаши қабул қилган. Аммо 70-йилларда Жухайман ибн Муҳаммад ибн Сайф ал-Утайбий бу жамода йўлбошчи бўлиб олди. Жухайман ЖСМда машхурликка, биринчи навбатда, ўз аждодларининг келиб чиқиши туфайли эришди. Гап шундаки, унинг оиласи машхур ва энг катта бўлган Утайба қабиласидан эди. Жухайман жуда каттиккўл консерватив одатларга эга бўлган бадавийлар оиласида улгайди. Энг кизиги унинг исми ҳам бу экстремистик гуруҳни каттиккўллик йўналишига мос келарди. Араб тилида "Жухайман" - каттиккўл, ковокли, кайфиятсиз, кўшилмаслик маъноларини англатади.

Тарихий маълумотлар

Жухайманнинг фойдасига ишлаган яна бир факт унинг оила аъзолари ихванлар ҳаракатининг фаол иштирокчилари бўлишган. Бу ҳаракат Саудия Арабистони тарихида жуда катта роль ўйнаган. Саудия ихванларини нокиёсий биродарлик — "Ихван ал-муслимин" бирлаштириб туради. Таъқидлаб ўтиш керакки, уларнинг мусулмон биродарларга ўхшаш томони факат номларида ҳолос, қурашиш услубларида эмас. Саудия ихванлари худди Утайба ва Мутайр қаби жуда катта Неджда қабиласидан эди. Улар ўзларининг ўта диндорликлари билан ажралиб туришарди. Доим қалтис ҳаракат қилишарди. Улар жуда катта ҳарбий қучга эга бўлиб, Саудийлар давлати тузумида фаол иштирок этишди. Саудийлар улардан ўз худудларини эгаллашда фойдаланишди. Жухайманнинг бобоси Сайфиддин бадавийлар билан бирга қирол Абдулазиз қўл остида қўплаб жангларда иштирок этди. Саудия давлати ташкил топгунча у доим қирол Абдулазиз қўли остида хизмат қилди. Саудийлар давлат чегаралари Буюк Британия колониялари чегарасига етгач, қирол Абдулазиз уруш ҳаракатлари ниҳоясига етганини эълон қилди. Воқеалар бундай яқун топганидан хайрон бўлган шундай ҳам Абдулазизни Гарб билан алоқа ўрнатиб, уларнинг янги технологияларини олиб келаётганидан ва бундан ташқари айрим бадавий раҳбарлари ўз сиёсий қарашлари билан ибн Сауднинг бекор қилган нарсаларидан норози бўлиб турган кескин қаршилик кўрсатишди. Шу сабаб қуролларни йиғиштиришдан бош тортишди. 1920 йили Утайба ва Мутайр қабилалари оксоқоллари Султон ибн Биджад ва Файсало ад-Давиш бошчилигидаги бадавийлар кўзголон кўтаришди. Бир неча жанглардан сўнг Сбиле жангида 1929 йилда бадавийлар қўшини тор-мор қелтирилди. Бу жангда Жухайманнинг бобоси қатнашмади. Лекин отаси кўзголончиларнинг бошлиги Султон ибн Биджад томонида туриб жанг қилди. Жухайман ўз биродарлари орасида доим ихванларнинг жасорати ва отасининг қаҳрамонлиги ҳақида гапириб, ундан фахрланиб юрган. У сўзсиз уларнинг дунёқараши билан фикр юритар эди. Аммо ЖСМнинг кўп аъзолари бадавийлардан эмас эди. Бадавийлари эса ўша жангларда иштирок этган қабилалардан эмас эдилар. Шу сабаб ўша эски қабилаларгина саудийларни Сарик уйига қарши бўлган, деган фикр хато бўларди. Тарихий хотираларни тиклаш Жухайман гуруҳининг режасининг бир қисмига эди

холос. Шундай килиб ЖСМ ва Жухайман биродарлиги 1970 йилларда Саудия Арабистонида ўтказилаётган сиёсий ўзгаришларни ва мустахкам сиёсий жараёнларни тўғри кўра олди.

Бўлиб ўтган фожеа сабаблари

Расмий Ар Риёд Жухайманда чет эл таъсири борлигини айтиб ўтди. Улар буни кўп кўлга олинаётган экстремистларнинг келиб чиқишлари мисрлик экани билан изохлашди. Агар ЖСМ чет эл билан ҳамкорлик қилаётган бўлса, Покистоннинг "Ахли ал-Хадис" ва Мисрнинг "Ансор ас-Сунна" гурухлари куч ишлатмайдиган гурухлар ҳисобланишади. Бу эса Жухайманнинг радикаллигига ҳеч қандай ўз таъсирини ўтказмайди. Бу ҳаракатни ҳар ҳолда Саудия Арабистонининг ички муаммоси дейиш мумкин. Бошқа бир фикрга кўра Жухайман кўзголони бу унинг гурух раҳбарларини реал ҳаётдан узилиб, ўз эътиқодларига чуқур шўнғиб кетиб, киёмат бошланишига ҳеч қандай шубҳа қолмади, деб ишонишларида. Хамма гап Махдийнинг келиши билан боғлиқ бўлган фикрнинг Жухайманда тугилишида бўлди. Унинг бир мурожаати тўлиқ шу мавзуда ўтди. Мурожаатда Махдий ҳақида саҳих ҳадислардан далиллар келтирилди ва бу Арабистон ярим оролида содир бўлаётган воқеалар билан боғланди. Бундан шу нарса аён бўлдики, Жухайман ва унинг атрофидагилар ўзларини ростан танланганликларига ишонишди ва улар ўзларини ҳадисда айтилган одамлар эканликларини намойиш эта бошлашди. 1978 йилнинг охирида Жухайман тушида унинг яқин ҳамфиқри ал-Кахтаний ростан "Махдий" экани хабарини олганини эълон қилди. Уни Махдий деб эълон қилишининг асосий сабаби, у башорат қилинган белгиларнинг кўпига мос келарди. Аслида Махдий радикал экстремистик услубда ва каттиккўл ультраконсерватив йўналишда бўлмаслиги ҳақидаги сўзлар эътиборга олинмади. Яна ёзилган башоратлардан бири, бу Жухайманнинг Масжидул Харомга ҳужуми айнан мусурмонлар тақвими билан янги юз йилликнинг бошланишига тўғри келди. Буни Жухайман айнан шу санага мўлжаллаб амалга оширган эди. Бу Ислом дунёсида ҳар юз йилда катта олим пайдо бўлади ва у динда янгилик олиб қиради, деган фикри билан боғлиқ бўлса керак. Асосан, бундай фикр "мужаддийлар" таълимотига тўғри келади. Шунга кўра Жухайман икки концепсияни аралаштириб, бу янги юз йиллик аль-Кахтанийни Махдий сифатида келиши билан изохлади. Вакт ўтиши билан уюшма раҳнамосининг ал-Кахтанийнинг Махдий эканлигига бўлган чуқур ишончи хато бўлиб чиқди. Айнан мана шу факт ҳам унинг режалари тезлашишига ҳам асос бўлгандир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўша пайтларга бориб, гуруҳ аъзолари ҳам уни танланганлигига шубҳа қила бошлашганди. Шундай бўлса ҳам улар гуруҳдан кетишни исташмасди. Чунки улар "илохий" Жухайманга ва унинг йўналишига каттик ишонишарди. Яна улар ўша танланган деган фикрдан бошқа қолган барча фикрларни тўғри, деб ҳисоблашарди. Бундан ташқари "Жухайман биродарлиги" айнан ўша тарихий санада бундай катта кучга эга бўлиши ҳаммининг эътиборига тушганди.

Бу масалага бир неча сабаблар келтириш мумкин. Масаланган бунга ўша пайтларга келиб Саудия Арабистонида ишчилар ҳақ-хуқуларидан маҳрум бўлишини ҳам сабаб қилиб

кўрсатиш мумкин. Натижада улар бой табакага карши кўзголон кўтаришади. Саудияда бўлаётган воқеалардан бир неча кун ўтиб, Арабистон социал ишчилар партияси раҳбари кўзголончиларни ўз томонига чақирди. Халк иттифоқи раҳбари эса Арабистон ярим оролига қилинган ҳужумни халк инкилобининг бир кўриниши, деб баҳолади. У булардан мақсад давлатда эркин демократик республика тузиш эканини таъкидлаб ўтди. У яна жанглар Табукда, Мадинада, Нажранда, Наждада бўлаётганини таъкидлади ҳам. Маккадаги масжидни кўлга олганларнинг кўпчилиги камбагал ва жинойтчилар тоифасидан чиққанлар эди.

"Жухайман биродарлиги" ростан ўз сафларига эътибордан четда қолган гуруҳ аъзолари, Саудияда яшовчи муқим кўчманчилар ва келиб чиқиши чет эллик бўлган фуқароларни кўшиб олишди. Шундан келиб чиқиб Жухайманнинг давлатга йўллаган мувожаати галати тус олди. Экстремистлар раҳбари унда юриталаётган режим, уларнинг хошиш-истаклари динга ва мусурмонларга ёмонлик ҳамда коррупцияга олиб келаётганини, Қурайш қабиласидан бўлмаганларни сиёсатга аралаштириш, қурайшийларнинг мусурмонлар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этаётганини таъкидлаб ўтганди. Унинг фикрича, қурайш қабиласидан бўлмаганлар мусурмонлар устидан раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши керак. Бу масалада тортишиш қийин. Уларни псевдомессиянча эътикод билан қарашлари маъзабликкача бориб етди ва уларнинг экстремизм ҳамда терроризм услуби Жухайман ва унинг ҳамтовоқларини жинойтчиға айлантирди.

Жухайман мероси

Хайрон қоларлиси Жухайман хақидаги хотиралар ҳозиргача сақланиб қолган. Айрим радикал гуруҳларда уни ҳаракатини қайта тиклаш хошиш-истаклари ҳам бор. 1979 йилги воқеаларнинг тасодифий гувоҳи бўлган мисрлик зиёратчи уйига қайтгунча гуруҳнинг кўпгина варақаларини олиб келган. 90-йилларга келиб, Жухайман йўналиши Саудия Арабистонининг айрим ҳудудларида қайта тугилди. Шулардан бири Ар Риёдда пайдо бўлган ёш радикаллардан ташқил топган Жухайман гоёларининг давомчиларидир. Бу ҳаракат давлатни ва унинг ўқитиш тизимини ҳалоллик ва мустаҳкам деб баҳолади. Бу Саудиядаги кўп бўлган гуруҳлар ёки доираларнинг биттаси эди ҳолос.

Хулосалар

Чуқур таҳлил қилиб, 1979 йилда Маккада содир бўлган воқеани оддий сабаблар билан тушунтириб беришнинг иложиси йўқ. Таҳлилнинг асосийси бир томондан ЖСМ билан иккинчи томондан "Жухайман биродарлиги" гуруҳларининг фарқини ажратишдир. ЖСМға келсак унинг пайдо бўлишиға 1960-70-йилларда Саудия Арабистонида ўқ ҳолат

сабаб бўлди. Биринчиси: секин аммо ишонч билан диний катлам томонидан консерватизмнинг ривожланиб бориши ва уларнинг давлат бошқарув тизимини сусайиб боришларини хис қилишлари. Иккинчиси: янги диний сиёсий муқобилга эга бўлган гоъларнинг кириб келиши. Учинчиси: сиёсий-иқтисодий таранглик. Бу тезроқ тизимни қайта қўриб чиқиш ёки қайта тиклашга ундарди. Жухайман гурухининг пайдо бўлишига сабаб қилиб эса шуларни айтиш мумкин: бу гурух радикализмни классик услубда ривожлантириб борган. Кичик бир гурух каттароқ гурух билан алоқа ўрнатади ва ўртада сиёсий қарашлардаги тортишув вужудга келади. Бундай қелишмовчиликларни фракция раҳбарларининг иқтисодий-сиёсий ўзгача дунёқарашга эга эканликлари билан изохлаш мумкин. Маккада бўлиб ўтган воқеаларнинг давлатни шарқда содир бўлган шиалар қўзғолонига алоқаси йўқ. Фақат вақтлар бир-бирига тўғри қелиб қолган ҳолос. Аммо бўлиб ўтган воқеалар Саудия Арабистони раҳбарларини дунёқарашларини ўзгартиргани аниқ. Бундан ташқари минтақада содир бўлаётган воқеалар, Эрондаги инқилоб, собиқ иттифокнинг Афғонистонга бостириб кириши, асосийси бу воқеаларнинг жуда қисқа вақт ичида содир бўлиши ҳамда ички воқеалар Саудия Арабистони раҳбарларини теранроқ фикр юритишга ундади. Яна шуни таъкидлаб айтиш керакки, Жухайман гоълари одамлар орасида биз ўйлаётгандан анча чуқурроқ жой олган. Бундай гурухлар олдин ҳам бўлишган. Хозир ҳам Саудияда бор. Бунга Саудия раҳбарларининг ўзи имкон тугдириб бермоқда. Маккада бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, улар шундай ҳулосага қелишдики, диний катламларнинг позициясини мустаҳкамлаш ва халқни тўғри назорат қилиш йўли билан бундай воқеаларнинг олдини олиш мумкин. Лекин Маккада содир бўлган воқеалар шуни кўрсатдики, бу йўл билан қафолатланган барқарор натижага эришиб бўлмайди. Агар қимгадир ўз юртида эмас, ҳатто чет элда бўлса ҳам ишонч билдирилса, бу сиёсат яна қайтиб тикланмайди, деб бўлмайди. ИШИД гуруҳи бунга очик-ойдин мисол бўла олади.

Muslim Politic материаллари асосида
Абу МУСЛИМ тайёрлади